

БАНКЛАРНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИДА КРЕДИТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Хайитова Мафтуна Рахматилла кизи

ТДИУ PhD докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7066701>

Аннотация. Ушбу илмий мақолада тижорат банкларининг трансформациялашуви жараёнида кредит самарадорлиги муҳокама қилинади. Тижорат банклари ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинди. Муаллиф ушбу масаланинг тавсифига банк кредитларининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти нуқтаи назаридан ёндашди. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида таҳлиллар асосида илмий-амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, тижорат банкларида кредитлаш механизми, тижорат банклари кредит самарадорлиги, банклар трансформацияси, муаммоли кредитлар.

ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ КРЕДИТОВАНИЯ ПРИ ТРАНСФОРМАЦИИ БАНКОВ

Аннотация. В данной научной статье рассматривается эффективность кредита в процессе трансформации коммерческих банков. Проанализированы коммерческие банки и факторы, влияющие на них. Автор подошел к описанию данного вопроса с точки зрения социально-экономической значимости банковских кредитов. На основе анализа социально-экономического развития страны даны научно-практические рекомендации.

Ключевые слова: коммерческие банки, механизм кредитования коммерческих банков, кредитная эффективность коммерческих банков, трансформация банков, проблемные кредиты.

IMPROVING CREDIT EFFICIENCY IN THE TRANSFORMATION OF BANKS

Abstract. In this scientific article, the efficiency of credit in the process of transformation of commercial banks is discussed. Commercial banks and their influencing factors were analyzed. The author approached the description of this issue from the point of view of socio-economic importance of bank loans. Scientific and practical recommendations were given based on the analysis of the socio-economic development of the country.

Keywords: commercial banks, the mechanism of lending to commercial banks, credit efficiency of commercial banks, transformation of banks, problem loans.

КИРИШ

Банк кредитлаш тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари ҳозирги босқичда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, доимий ривожланиш ва такомиллаштиришни талаб этади. Банк тизими замонавий жамиятда катта рол ўйнайди. Кредит муносабатларида тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодини ривожланишини таъминлаш учун кредит рискини минималлаштирувчи турли ислохотлар ва қонунга ўзгартиришлар киритилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 05.08.2022 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 916-2 “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар

ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарори банк фаолиятини самарадорлиги ва ҳужжатларнинг қулай ва аниқ бўлишини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Жамият фаровонлигини ошириш, ёшларни бандлигини таъминлаш ва аҳоли уй-жой билан таъминланганлик даражасини оширишда ҳам банк кредитларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига ипотека ва таълим кредитлари учун ажратиладиган ресурс маблағлари бўйича фоиз ставкаларини 2022 йил якунига қадар, истисно тариқасида, амалдаги фоиз ставкаларида (ипотека кредити бўйича 13 фоиз, таълим кредити бўйича 10 фоиз) сақлаб қолиш Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида ўз аксини топган.

Бунда, 10 фоиз ставкада ажратилган ресурслар ҳисобидан таълим кредитлари тижорат банклари томонидан кредит олувчига 14 % ажратилади.

Тижорат банкларида ажратилаётган кредит маблағларининг мақсадлилиги ва қайтиш тамоиллари муҳимлиги билан бирга унинг ижтимоий-иқтисодий ва банк даромадларига бераётган самараси ҳам муҳим жиҳат ҳисобланади. Бунда кредит лойиҳаларининг келгуси даврлардаги натижасини баҳолаш ва уни таҳлил қилиш бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Молия-кредит институтларини ўзгартиришнинг назарий асослари, методологияси ва амалий жиҳатларини ҳар томонлама ёритувчи тадқиқотларнинг йўқлиги ҳам ушбу илмий ишни ёзишнинг долзарблиги ва зарурлигини белгилайди. Шундай қилиб, янги тизимга ўтиш шароитида банкнинг назарий жиҳатларини янада ривожлантириш зарурати ва дунёдаги беқарорликни ҳисобга олган ҳолда банкни кредитларини бошқариш техникасини такомиллаштириш бўйича тўпланган тажрибани тизимлаштириш, шунингдек банкни ўзгартиришга ягона комплекс ёндашувни шакллантиришда амалий аҳамият касб этади.

Банкнинг ташкилий тузилмаси ва унинг корпоратив маданиятини ўзгартиришнинг услубий асосларини ўрганиш турли даврларда бағишланган бўлиб, Адзес И., Бергер К., Гехриг Б., Григориева О. Н., Долженко Р., Езангина И. А., Ирсиг И., Либертро А., Мамонтов А., Миллер В. нинг илмий ишлари ушбу асарлар замонавий банк методологиясига инкор этиб бўлмайдиган ҳисса қўшади, аммо банкларни хусусийлаштиришда кредит линиялари самарадорлигини баҳолаш масаласи тўлиқ ўрганилмаган.

Банк кредитлари ва мижозларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолаш масалалари бир қатор хорижлик иқтисодчилар, жумладан, Д. Ендовицкий, С.Ермаков, Х.Сото, А.Балабанов, В.Просалова, А.Грязнова, Е.Долан, В.Глущенко, О.Лаврушин, Ж.Матук, Г.Панова, Дж.Синкенинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Шу билан бирга, банкларни ташқи омиллар таъсирида ўзгартиришнинг назарий жиҳатлари Бауер П., Бурнет Б., Кинг Б., Ранделл Р., Фаеи Л. каби хорижий иқтисодчилар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ё.Абдуллаев, Ш.Абдуллаева, Н.Жумаев, М.Хамидулин, Э.Акрамов, М.Пардаев, У.Азизов, М.Рахимов, Б.Ҳақимов, С.Махмудов, А.Ғулумхўжаевларнинг илмий ишларида мазкур масаланинг алоҳида жиҳатлари ўз аксини топган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Мақолада ДХШнинг назарий ва услубий асослари ўрганилган, шунингдек, қиёсий, таркибий ва солиштирма таҳлил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, ДХШ агентлиги расмий маълумотлари, ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларидан фойдаланилган. Ўрганиш жараёнида таҳлил, статистик маълумотларни солиштириш ва таққослаш ҳамда илмий мушоҳада, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Жаҳон стандартларига кўра тижорат банкларининг жорий ва узоқ муддатли ликвидлик даражалари 50 % билан 120 % орасида тебраниб туради. (1-жадвал). Ривожланган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган Bank of America, Bank of China, JP Morgan Chase, Wells Fargo, HSBC Holdings plc, City Bank, Mitsubishi UFJ Bank, Sumimoto Bank ва бошқа шу каби тижорат банкларининг кўпчилиги узоқ муддатли ликвидлик даражасига эга бўлган молиявий муассасалар қаторида бўлиб, мамлакатимиз тижорат банклари ликвидлик даражасининг жорий ва узоқ муддатли ликвидлик даражалари ўртасида эканлиги эътиборга молик кўрсаткич деб баҳолай оламиз.

1-Жадвал

Жаҳон стандартларига кўра тижорат банкларининг ликвидлик даражаларига қисқача тавсиф

№	Ликвидлик даражасининг номланиши	Қисқача тавсиф	Миқдор кўрсаткичи
1	Тижорат банкларининг лаҳзали ликвидлик даражаси	Бир операцион кун мобайнида тижорат банкларининг ликвидлик даражасидаги йўқотиш рискинни тартибга солади	15 %га тенг ёки ундан юқори
2	Тижорат банкларининг жорий ликвидлик даражаси	30 календарь куни давомида тижорат банкларининг ликвидлик даражасидаги йўқотиш рискинни тартибга солади	50 %га тенг ёки ундан юқори
3	Тижорат банкларининг узоқ муддатли ликвидлик даражаси	Маблағларни узоқ муддатли активларга жойлаштириш натижасида тижорат банкларининг ликвидлик даражасидаги йўқотиш рискинни тартибга солади	120 %га тенг ёки ундан паст

Ўзбекистон банкларининг 2022 йил биринчи чорагидаги самарали фаолияти бўйича “Ипотека Банк” энг катта ўсишни кўрсатди. 2022 йил 1 март ҳолатига Республикаимиз банк тизими активлари 436,8 трлн. сўм (2021 йил 1 март ҳолатига нисбатан ўсиш – 19,3 %), мажбуриятлари 365 трлн. сўм (ўсиш 19%), кредитлари 327,2 трлн. сўм (ўсиш 16,8%) ҳамда депозитлари 148,4 трлн. сўмни (ўсиш 31,2%) ташкил этди. Ҳозирги кунда таҳлил қилинган 31та банкда 57 мингга яқин киши фаолият олиб бормоқда.

2-жадвал.

2022 йилнинг 1-чораги учун йирик банклар фаолият рейтинглари

№	БАНК	Умумий рейтинг	Рейтинг ўзгариши	Молиявий воситачиллик бўйича рейтинг	Молиявий оммабоплик бўйича рейтинг	Капитал етарлилиги бўйича рейтинг	Активлар сифати бўйича рейтинг	Бошқарув самарадорлиги бўйича рейтинг	Даромад олиш салоҳияти бўйича рейтинг	Ликвидлик бўйича рейтинг

1	Капитал банк	1	0	1	2	13	1	6	11	3
2	Траст банк	2	1	6	12	5	3	5	1	1
3	Ипотека банк	3	6	11	1	12	8	2	8	7
4	Хамкор банк	4	-2	9	5	14	2	8	3	10
5	Азия Альянс банк	5	1	3	11	15	16	9	5	2
6	Ориент Финанс банк	6	-2	7	17	1	5	4	2	5
7	Ипак йўли банк	7	0	16	4	8	11	7	4	6
8	Алоқа банк	8	0	4	7	16	9	12	13	14
9	Инвест Финанс банк	9	-4	2	13	11	4	15	10	9
10	Ўзсаноатқурилишбанк	10	3	15	16	9	12	1	6	8
11	Агробанк	11	-1	8	3	4	10	16	16	11
12	Микрокредит банк	12	0	12	6	2	13	17	9	12
13	Халқ банки	13	2	5	9	6	17	13	14	4
14	Қишлоқ қурилиш банк	14	-3	13	8	10	7	10	15	17
15	Турон банк	15	-1	10	10	7	6	14	12	13
16	Ўзмилийбанк	16	0	17	15	3	15	3	7	16
17	Асака банк	17	0	14	14	17	14	11	17	15

Ушбу жадвалда жами ҳисобда 17 та йирик банклардан тузилган банкларнинг фаоллини бўйича Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази (Марказ) томонидан ўтказилган таҳлил натижалари акс этган. 2022 йил биринчи ярим йиллигида фаоллик кўрсаткичи бўйича “Капитал Банк” 1-ўринни эгаллади. Умумий рейтингда “Траст банк” 1 поғонага кўтарилиб, 2-ўридан жой олди. Мазкур банк даромад олиш салоҳияти, активлар сифати ҳамда ликвидлилик бўйича етакчи банклардан бири бўлиб ҳисобланади. Аммо, жадвал шуни кўрсатяптики, “Траст банк” молиявий оммабоплик кўрсаткичларига, хусусан ҳар бир филиалига тўғри келувчи кредит олган юридик ва жисмоний шахслар сонини ошириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Трансформация ва хусусийлаштириш жараёнидаги давлат улуши мавжуд банклардан “Ипотека банк” 3-ўринга кўтарилди. Ушбу банк молиявий оммабоплик етакчилиكنи сақлаб қолиш билан бирга, бошқарув самарадорлиги, ликвидлилик, активлар сифати ҳамда капитал қўйилмалари ижобий натижа берди. Банкнинг молиявий воситачилик бўйича рейтинги муддатли депозитларнинг кредитларига нисбатини янада ошириш, бошқа банклар ва молия институтларидан олинган маблағлар ҳамда юқори ташкилотлар олдидаги мажбуриятлари бўйича фаолиятини кўриб чиқиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари “Ўзсаноатқурилишбанк” умумий рейтингда 3-поғонага кўтарилиб, 10-ўринни эгаллади. Мазкур банк бошқарув самарадорлиги бўйича етакчилик ушлаб турибди, даромад олиш салоҳияти ҳамда ликвидлилик кўрсаткичлари бўйича сезиларли ижобий ўзгаришларга эришган. Банкнинг молиявий воситачилик ва оммабоплик бўйича кўрсаткичлари муддатли депозитларнинг кредитларига нисбатини ошириб, бошқа банклар ва молия институтлари ҳамда ҳукумат олдидаги мажбуриятларининг умумий мажбуриятларидаги улушини камайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистондаги 14 та кичик банклари фаоллик рейтингда “Даврбанк” ва “Зираат банк” ўз ўрнини сақлаб қолди. “Давр банк” фаоллик ретингида кўрсаткичлари юқори бўлсада, молиявий оммабоплик ва активларнинг сифати кўрсаткичларига эътибор қаратиши лозимлиги кўринди.

“Анор банк” ва “Пойтахт банк” ўзаро ўрин алмашишди. Кичик банклардаги фаоллик ва ўзгаришлар унчалик катта бўлишига қарамай ўз ўрнида “Тенге банк”, “Мадад инвест банк” ва “Пойтахт” банклар 2022 йил ярим лиллиги кўрсаткичлари бўйича ижобий натижага эришиб юкорилаган. “Анор банк”, “Равнақ банк”, “Савдогар банк” ва “ЎзҚДБ” банк жадвалда бир поғонадан пастлаганлар.

3-жадвал.

2022 йилнинг 1-чораги учун кичик банклар фаолик рейтинг

№	БАНК	Умумий рейтинг	Рейтинг ўзгариши	Молиявий воситачилик бўйича рейтинг	Молиявий оммабоплик бўйича рейтинг	Капитал етарлилиги бўйича рейтинг	Активлар сифати бўйича рейтинг	Бошқарув самарадорлиги бўйича рейтинг	Даромад олиш салоҳияти бўйича рейтинг	Ликвидлилик бўйича рейтинг
1	Давр банк	1	0	10	1	10	1	4	4	12
2	Зираат банк	2	0	8	7	6	6	3	6	9
3	Пойтахт банк	3	1	9	9	1	4	6	3	1
4	Анор банк	4	-1	1	2	9	2	12	11	5
5	Универсал банк	5	0	1	5	11	5	7	8	8
6	Тибиси банк	6	0	1	3	1	3	14	12	1
7	Тенге банк	7	1	11	6	1	7	8	5	1
8	Равнақ банк	8	-1	1	4	12	10	10	7	10
9	Мадад инвест банк	9	2	12	10	1	13	2	1	1
10	Савдогар банк	10	-1	7	8	13	9	13	9	11
11	ЎзҚДБ банк	11	-1	12	12	8	8	1	10	6
12	Ўзагроэксспортбанк	12	0	14	13	1	14	5	1	7
13	Туркистон банк	13	0	1	11	14	11	11	13	13
14	Хай-Тек банк	14	0	1	14	7	11	9	13	14

Трансформациялашув жараёнидаги банклардаги ўзгаришлар, банк тизимида рақамлаштиришнинг натижалари, рақобат муҳитининг кучайиб бориши ва хусусий банкларни янада ривожланиши, инновацион молиявий маҳсулотлар ва хизматлар борасида изланиш лозимлигини билдиради.

Мижозларнинг тармоқлараро хусусиятига қараб кредитлашнинг шакл ва усуллари татбиқ этишда, шунингдек, қарздорнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда банк ходимининг малака ва тажрибаларини ошириш

Кредитлашнинг таъминланганлик таъминлини амалга оширишда ходимларнинг малака ва тажрибаларини ошириш

Қарздор устидан етарлича мониторинг ўрнатилмаганлиги

Кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлашга доир миллий қонунчилик ҳужжатлари қоидаларини такомиллаштириш зарурати

Фоиз даромадларининг кескин пасайиб бориши

Банк бошқаруви сифатининг жаҳон талаблари даражасида эмаслиги

Банк кредит кўмиталари қарорлари сифатини ошириш

Банкда рискларни, шу жумладан кредит рискларини баҳолаш ва бошқариш

Кредит муносабатларида мижоз манфаатларига раҳна солувчи шартнома шартларининг амалиётга татбиқ этилаётганлиги

Муаммоли кредитлар билан ишлаш тизими фаолиятининг яхши йўлга кўйилмаганлиги

1-расм. Тижорат банклари кредит самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллар

Тижорат банкларида кредит самарадорлигига эришиш борасида кўплаб ижобий муваффақиятларга эришилаётган бўлиб, бу бевосита мамлакатимизда банк тизимини модернизация қилиш мақсадида олиб борилаётган давлат сиёсатининг амалга оширилаётганлиги билан боғлиқ. Бироқ банкларнинг трансформацияланиши жараёнида банк кредитларига таъсир этувчи бир қатор омиллар мавжуд. (1-расм).

4-жадвал.

Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) тўғрисида 2022 йил 1 июль ҳолатига маълумот млрд.сўм

№	Банк номи	Кредит портфель	Муаммоли кредитлар (NPL)	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши
Жами		343 572	16 795	4,9%
Давлат улуши мавжуд банклар		288 963	14 535	5,0%
1	Ўзмиллийбанк	79 913	3 297	4,1%
2	Ўзсаноатқурилишбанк	43 159	1 588	3,7%
3	Асака банк	36 223	1 724	4,8%
4	Агробанк	33 545	1 520	4,5%
5	Ипотека банк	29 669	856	2,9%
6	Халқ банки	19 299	3 422	17,7%
7	Қишлоқ қурилиш банк	18 801	920	4,9%
8	Микрокредитбанк	11 370	672	5,9%
9	Турон банк	8 858	261	2,9%
10	Алоқа банк	8 040	256	3,2%
11	Пойтахт банк	67	2	2,5%
12	Ўзагроэксспортбанк	19	18	92,7%

4-жадвалда давлат улушига эга Ўзбекистон Республикаси банкларидаги мавжуд муаммоли кредитларнинг 2022 йил 1 июль ҳолатига таҳлили келтирилган. Энг юқори

кредит портфелига эга банк Ўзмилийбанк бўлиб, унинг ҳажми 79 913 млрд.сўмни ташкил этади. Жами Ўзбекистон бўйича давлат улуши мавжуд ва мавжуд бўлмаган банклардаги кредит портфели ҳажми 343 572 млрд.сўмни ташкил этса, шундан 288 963 млрд.сўм қиймати давлат улушига эга банкларга тегишлидир. Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши ўртача ҳисобда 2.5% дан 6% оралиғини ташкил этади. Лекин Халқ банкида бундай кредитлар 17.7% ни ташкил этса, Ўзагроэкспортбанкда эса бу кўраткич 92.7 % ни, яъни деярли ажратилган кредитларнинг барчаси муаммоли кредит ҳисобланади ва бу банк фаолиятига жудаям салбий таъсирини кўрсатиши барчага маълум.

Бундан ташқари давлат активлари бўлмаган хусусий банкларда ҳам бу кўрсаткич 54 609 млрд.сўм қийматдаги кредит портфелига эга бўлиб, ўртача 4.1 % ни ташкил қилади. (5-жадвал). Муаммоли кредитлар умуман йўқ банк ягона бўлиб, бу Ўз КДБ банк ҳисобланади. Жами кредит портфели 1 817 млрд.сўмни ташкил қилиб, муаммоли кредитлар улуши 0 % бўлган. Бундан ташқари Ҳамкор банкда ҳам яхши кўрсаткич, яъни 10 426 млрд.сўм кредит ажратмасидан 67 млрд.сўм (0.6%) муаммоли кредит ҳисобланади. Фақатгина Туркистон банк ва Хай-Тек банкларда муаммоли кредитлар улуши 90% ни ташкил этади. Бу эса ушбу банклар кредит беришда лойиҳалар таҳлилига этиборни кучайтиришлари ва мониторинг тизимини такомиллаштиришлари лозимлигини кўрсатади.

5-жадвал.

**Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) тўғрисида
2022 йил 1 июль ҳолатига маълумот млрд.сўм**

№	Банк номи	Кредит портфель	Муаммоли кредитлар (NPL)	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши
Жами		343 572	16 795	4,9%
Давлат улуши мавжуд банклар		288 963	14 535	5,0%
Бошқа банклар		54 609	2 260	4,1%
13	Капитал банк	11 043	224	2,0%
14	Ҳамкор банк	10 426	67	0,6%
15	Ипак йўли банк	7 287	247	3,4%
16	Ориент Финанс банк	4 521	38	0,8%
17	Инвест Финанс банк	3 991	79	2,0%
18	Траст банк	3 303	64	1,9%
19	Давр банк	2 404	33	1,4%
20	Азия Альянс банк	2 125	141	6,6%

21	ЎзКДБ банк	1 817	0	0,0%
22	Тенге банк	1 739	150	8,6%
23	Анор банк	1 165	25	2,1%
24	Савдогар банк	988	105	10,6%
25	Зираат банк	939	41	4,4%
26	Универсал банк	788	35	4,5%
27	Тибиси банк	693	18	2,6%
28	Туркистон банк	652	615	94,4%
29	Равнақ банк	436	243	55,7%
30	Мадад инвест банк	155	24	15,2%
31	Хай-Тек банк	120	111	92,9%
32	Эрон Содерот банк	18	0,03	0,2%
33	Апельсин банк	0,0	0,0	0,0%

МУҲОКАМА

Тадқиқот натижаларига кўра, банк фаолиятида юзага келувчи рискларнинг ҳеч бири ўз қобиғига ўралган ҳолда алоҳида юзага келиши мумкин эмас. Кредит самарадорлигининг кескин пасайиб бориши, кредит рискларини вужудга келтириши, бу риск эса, ўз навбатида, даромад ололмаслик, тўлов қобилиятини йўқотиб қўйиш (банкротлик) каби банк фаолияти учун хавфлилик даражаси юқори бўлган рискларни келтириб чиқариши мумкин. Инвентаризация натижасига қараб, фоиз тўловларини ўз вақтида бажара олмаётган миқдорлар гуруҳи кредит ва даромад ололмай қолиш rischi сифатида баҳоланиб, рискдан муҳофазаланиш тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим. Фикримизча, бундай тадбирлар сифатида ҳудудий банкларда фаолият юритиши давр талаби бўлган рисклардан муҳофазаланиш, бошқариш тизимини ташкил этиш зарур. Бу бошқарув тизими рискларнинг келиб чиқиш мезонларига қараб белгиланади, яъни биринчи блок – кредит рискларини бошқариш тизими, нобаланс ликвидлик натижасидаги рискларни бошқариш тизими, операцион, фоиз, даромадлиликни йўқотиш, шунингдек ялпи бошқарув тизим блокларига, иккинчи блок тизимига эса тизим ости бошқарув блокига бўлинади, яъни хусусий рисклар ва ялпи рисклар билан ишлаш бошқарув блокларига ажратиш мумкин. Мазкур тадбирларни амалга ошириш, фикримизча, банк фаолиятига салбий таъсир этувчи барча рисклардан ва энг асосийси, кредит рискларидан муҳофазаланиш имкониятини беради, деб ўйлаймиз; - амалдаги қонунчиликда гарчи мажбурият ижроси таъминотлари иккиламчи манбаларга доир мукамал қонун ва қоидалар белгиланган бўлса-да, амалиётда кредитор талабини таъминотга қаратиш жараёнида юзага келаётган муаммолар ечимини топиш учун банк ходимларининг таъминот предметлари билан иш юритиш малакаларини ошириш мақсадида: таъминот предметларининг турлари, уларни амалиётга татбиқ этишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва техник жиҳатлари мужассам бўлган услубий қўлланмалар ишлаб

чиқилиши ҳамда мазкур қўлланмалар асосида банк ходимлари учун малака ошириш курслари ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтсак, тижорат банкларида кредит самарадорлигини ошириш стратегияларининг сифати уларни амалга оширишда фаол иштирок этадиган банк тизими ходимларининг малакаси ва касбий лаёқатига ҳар томонлама боғлиқ. Шунинг билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда кўплаб дунё мамлакатлари, ҳатто ривожланган мамлакатлардаги ҳам фарқли равишда тижорат банкларининг кредит самарадорлигини оширишни давлат орқали қўллаб-қувватлаш тизими ривожланган бўлиб, бу келажакда мамлакатиз иқтисодиётида рақобатбардош ва ҳар томонлама жаҳон банк хизматлари бозори талабларига мос келувчи тижорат банклари тизимини ривожлантиришга муҳим туртки бўлади.

Кредитлаш жараёнининг банкларда тўғри ташкил этилиши, кредит муносабатларидаги таваккалчилик хатарининг камайтирилишини ва кредит самарадорлигини таъминловчи бош омил ҳисобланади ва бу омил банк ходимларининг қай даражада масъулият билан ўз вазифаларига ёндашишларига, уларнинг маҳорат ва малакаларига, шунингдек қарз олувчининг ҳам кредит муносабатига қай даражада масъулият билан ёндашишига боғлиқ. Тижорат банклари кредит амалиётлари самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш кредит амалиётларидан олинаётган фоизли даромадларнинг кредит қўйилмалар ҳажмидаги салмоғини ва кредит амалиётларидан йўқотишларни баҳолаш харажатларининг ортиб бориш тенденцияларини, шунингдек, белгиланаётган устама фоиз меъёрлари ва уларнинг тебраниб туриш тенденцияларини таҳлил этиш билан бир қаторда, банкларда муаммоли кредитлар салмоғи ва уларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва банк ташкилотининг “spread” коэффициентлари билан ҳам баҳоланади. Кредит самарадорлигининг сифат кўрсаткичларини таҳлил этиш ва таҳлил натижаларини тўғри баҳолаш, кредит самарадорлигини таъминлаш юзасидан банклар фаолиятининг стратегиясини оқилона баҳолашда муҳим ҳисобланади. Кредит самарадорлигининг сифат кўрсаткичларини таҳлил этиш ва таҳлил натижаларини тўғри баҳолаш банклар фаолиятининг стратегиясини белгилашда нақадар муҳим тадбир эканлигини амалий мисоллар асосида изоҳлашга ҳаракат қилиб кўрамыз.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори. № 3620-ПҚ, 23.03.2018 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й. // Халқ сўзи, 29.12.2018.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8.04.2022 йилдаги ПҚ-199-сон қарори “Марказлашган манбалар ҳисобидан ипотека ва таълим кредитлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича фоиз ставкаларини белгилаш тўғрисида”.
4. Azimovna M. S., Shohrukhovich U. S. THE ROLE OF AGRICULTURAL PRODUCTS IN THE FOREIGN TRADE TURNOVER OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 6. – С. 110-112.

5. Ендовицкий Д.А. Анализ и оценка кредитоспособности заемщика: учеб.-практ. пособие / Д.А. Ендовицкий, И.В. Бочарова. М.: КНОРУС, 2005.
6. Ермаков. С.Л. Основы организаций деятельности коммерческого банка. Учебник. – М.: КНОРУС, 2014 – 656с., Сото Х.У. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – М.: Социум, 2008. – 663 с.,
7. Балабанов А.И., Боровкова Вик. Банки и банковское дело: учебник. 2-е изд. –СПб.: Питер, 2014.-448с.
8. Просалова В.С. Проблемы оценки кредитоспособности клиентов коммерческих банков. Монография. – Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2008. – 17, 57 с.
9. Azimovna M. S. IMPROVING THE STUDY OF CONSUMER BEHAVIOR //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – С. 109-112.
10. Манделл Р.А. Выбор экономической политики для достижения внутреннего и внешнего равновесия. Сборник статей. Пер. с англ. - М.: Дело, 2001. - С. 155.
11. Глушченко В.В. Анализ процедур оценки кредитоспособности заемщика коммерческого банка. Автореф. дисс.. к.э.н. – М.: 2015. 17 с.,
12. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. 7-е издание. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2013. - С. 497.
13. Тожиев Р.Р., Жумаев Н.Х. Марказий банкининг монетар сиёсати. - Т.: ТДИУ нашриёти, 2007, 260 б.
14. Azimovna M. S. et al. Analysis of the main economic and marketing indicators of FE" DAKA-TEX" LLC //ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603. – 2022. – Т. 11. – №. 06. – С. 4-7.
15. Рашидов О.Ю, Тожиев Р. Марказий банкининг монетар сиёсати. Т.: ТДИУ нашриёти. 2012.
16. С.Б.Хайитов Кулай инвестиция мухити-давлат-хусусий шериклик механизми асосида. “Харакатлар стратегияси:макроиқтисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги iv халқаро онлайн илмий-амалий конференция” 26-27 май. 2021 йил. 366-374 бетлар.
17. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари: и.ф.д. диссертацияси. –Самарқанд-2001 й. 228 б.
18. Абдуллаев А., Очиллов О. Хўжалик юритувчи субъектларни кредитга лаёқатлилиги таҳлилини такомиллаштириш // Логистика ва иқтисодиёт. №3, 2020 й.
19. Ўзбекистон Республикаси марказий банки маълумотлари
20. <https://review.uz/oz/post/opredelen-naibolee-aktivne-banki-uzbekistana-v-i-kvartale-2022-goda>
21. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази (Марказ) томонидан Ўзбекистон банк тизимидаги ислохотлар ва трансформация жараёнлари самарадорлиги, рақобат мухити ўзгариши ҳамда барқарорлик даражасини баҳолаб бориш мақсадида “Банклар фаоллик индекси” ишлаб чиқилган. 04.04.2022
22. Абдуллаева Ш. “Банк иши”. Дарслик. –Т.:Молия,2016.-579 б., Ш.Абдуллаева. Банк иши. Дарслик.-Т.Молия, 2017. -526 б. ,
23. Ефимова Е. Г. Деньги, кредит, банки: практикум. М.: Изд-во МГИУ, 2009.